
Гаровга қўйилган мулк хатланди ва жарима майдонига олиб кирилди

Бюронинг Ёзёвон тумани бўлими иш юритувида бўлган ФИБ Марғилон туманлараро судининг 12.10.2022 йилдаги қарорига асосан қарздор "Рузвонжонхожи-Она" фермер хўжалигидан ундирувчи "Асакабанк" фойдасига 144.039.552 сум ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича қарздор бюро томонидан бир неча марта огоҳлантирилган.

Лекин, қарздор кредит қарзини бартараф этиш чораларини кўрмаганлиги сабабли, 19.04.2023 йил куни олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида гаров мулки бўлган Экскаватор техника воситаси хатланди ва мажбурий тартибда жарима майдонига олиб кирилди. Хатланган мулкни аукцион савдога чиқарилгунига қадар қарздор қарзларини тўлашига умид қиламиз.

А.АБДУЛЛАЕВ,

МИБ Ёзёвон тумани бўлими давлат ижрочиси.

2023-04-25 17:13:03